Умавий амирларидан Валид ибн Абдулмалик хукмдорлиги (705-715) даврида Испания ва Португалия Мусо Нусайя ва унинг мавлоси Торик ибн Зиёд томонидан хижрий 92 (милодий 711) йилда фатх этилди ва бу икки давлат фатхдан сўнг араб тилида битта ном билан «Андалусия» деб атала бошланди. Андалусия Ислом халифалиги даврида нихоятда гуллаб-яшнаган, Куртуба (Кордова), Ишбилия (Севиля), Гарнота (Гранада) каби ўлкалар илм-фан, маданият, савдо-сотик сохасида факат Багдод ва Кустантаниядангина оркада бўлган.
Андалусияда гўзал шахарлар, мухташам масжид ва касрлар барпо этилган, хунармандчилик ривожланган. Андалусиядан донги дунёга кетган Имом Куртубий, Ибн Арабий, Ибн Хазм, Ибн Рушд, Абу Хаййон, Ибн Атиййа каби олимлар етишиб чиккан. Андалусияда исломий китобларнинг улкан хазиналари жамланган, исломий билимлар юксак даражада ривожланган эди. Бу ерда барпо этилган ва Ислом меъморлигининг шох асарлари саналган Аз-Захро, Ал-Хамро каби мухташам ва фусункор касрларни халигача бирор миллат ёки давлат кура олгани йўк.
Насронийлар хижрий 635 (милодий 1236) йили Куртубани, 646 (милодий 1248) йили Ишбилияни босиб олиб, барча мусулмонларни киличдан ўтказди, Ислом маданияти обидаларини яксон килиб, китобларни ёкди. Факат Гарнотада мусулмонлар хукмронлиги милодий 1492 йилгача давом этди ва шундан кейин Андалусия батамом таназзулга юз тутди.